



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 23 февраль, № 38 (5712) Шанба

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги тахрири ҳам кўриб чиқилди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, маҳаллани миллий қадриятлар ва демократик мезонлар муштараклигида жадал равишда топтиришда катта ўрин тутди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришнинг муҳим омили

Мухбиримиз унинг мазмун-моҳияти ҳақида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари билан фикрлари билан қизикди.

Р. АБДУРАСУЛОВА, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз аъзолари ва экспертлар томонидан қонун лойиҳаси таҳлил қилинди. Қайд этиш лозимки, ЎзЛиДеПнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасидаги асосий вазифаларидан бири, маҳаллани хусусий тadbirkorлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш билан узвий боғлиқдир. Шу нуқта назардан, қонун лойиҳасидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш ҳақидаги нормалар ўрин олгани аҳамиятлидир.

Масалан, унда номзодлар овоз бериш бошланганидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқишлар қилиб, ўз сайловолди дастурини эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Бу фуқароларга маҳалла фаолияти, шу жумладан, у ерда хусусий тadbirkorлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантиришга оид истиқболдаги режалардан олдиндан тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Аёнки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) дан у мазкур лавозимга сайланганидан сўнг вако-

латлари доирасида белгиланган вазифаларни қай даражада бажаргани хусусида ахборот олиш мумкин бўлади. Фракциямиз экспертларининг айтишича, бунинг барчаси жамоатчилик назорати ва мамлакатимиз фуқаролари масъулиятини ошириш механизмларини такомиллаштиришда кўл келади. Айни чоғда қонун лойиҳасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимини номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар ҳам ўз ифодасини топапти. Бу эса юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, маълум иш ва ҳаётий тажриба, аҳоли ўртасида обрў-этиборга эга бўлган номзодлар сайланишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Тақлиф этилаётган ушбу янгиликлар фуқаролар, шу жумладан, партиямиз электорати сиёсий ва ижтимоий фаолиги, дунёқараши, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириб, ушбу жараёнларни изчил давом эттириш учун шарт-шароит яратади. Ўз навбатида, халқимизда мамлакатимизнинг ёрқин келажигига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

З. МАНСУРОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Мухокамалар асосида фракциямиз аъзолари томонидан ушбу қонун лойиҳаси маҳаллани ҳақиқий демократия дарсхонасига айлантиришга йўналтирилгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Осойишталик посбонлари

Пойтахтимизда “Намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Хотинқизлар кўмитаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловда ҳудудий босқичларда голиб бўлган 14 та милиция таянч пункти жамоалари қатнашди.

■ Танлов



Этироф этилганидек, юртимизда Президентимиз ташаббуси билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли тинчлиги, ҳавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Буни ички ишлар тизимини олиб борилаётган янгиланишлар мисолида

ҳам кўриш мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбари тавсияси билан маҳаллаларда милиция таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг халқимизга ҳар жиҳатдан яқин бўлган малакали ва билимли профилактика инспекторлари билан тазминлангани ўз самарасини бераётди. Дарҳақиқат, юртимиз мустақиллигининг ишончли кафолати бўлган

тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, барқарорликни сақлашда ҳам маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, маҳаллада бирон ҳодиса рўй берса, одамлар қаяқча боради? Кимга мурожаат қилади, албатта, профилактика инспекторига. Шу боисдан ҳам ўтган

йиллар мобайнида милиция таянч пунктларини қуриш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда малакали профилактика инспекторлари билан таъминлаш борасида кўплаб ишлар рўйга чиқарилди. Натижада ҳозир ушбу маскан ўзини хар томонлама намоён этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Юқори сифат рақобатбардошликнинг асосий кўрсаткичидир



Бугун маҳаллий ишбилармонларимиз илғор технологиялар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар тайёрлашга эътибор қаратишмоқда. Бунда давлатимиз томонидан соҳа вакиллари яратилган имконият ва имтиёзлар, солиқ тизимининг энгилликлар ҳам қўл келмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг “Саноат кооперацияси асосида тайёр

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тadbirkorларимиз учун янги имкониятлар эшигини очиб берди.

(Давоми 2-бетда).

Фахр

“Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она-юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган”. Президентимиз томонидан айтилган, ўзида чуқур маъно-мазмун касб этган бу ажойиб таъриф барчамизнинг диллимиздан мустаҳкам жой олиб, бизни мафтункор дидёримиз билан нафақат фахрланиб яшаш, балки унга ҳар томонлама муносиб бўлишга ҳам даъват этади.

Гўзал ва мафтункор

юртимиз жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айланиб бормоқда

Дарҳақиқат, мамлакатимиз дунё цивилизация бешикларидан бири бўлгани бундан жондор жамоатчилиги янги билади. Довруғи етти иқлимга кетган Самарқанд Хива, Қарши Шахрисабз, Тошкенту Марғилон, Кўкону Бухоро каби шаҳарларимиз, улардаги бетакрор обидалар, мовий гумбазлар, осмонўлар миноралар, нақшу нигорлар ҳаммаи ўзгаларнинг қизиқишини, ҳайрат ва ҳавасини ортирган. Агар хориздан келган меҳмондан “Қаерларни кўрмоқчисиз?” деб сўрасангиз, кўпинча шундай жавобни эшитасиз: “Имкони бўлса, ҳамма жойни”. Албатта, юртимизнинг ҳар бир ҳудуди сайёҳлар эътиборини ўзига жалб эта олади. Масалан, Самарқанднинг Регистонини, Амир Темур макбараси ёки Бибихоним масжидини, Шохи Зинда мўъжизаси ёхуд Улуғбек Расадхонасини, Бухоронинг кўхна Арк макбарасини, Сомонийлар макбарасини, Хиванин Ичан қалъаси, Қаршининг Одина, Кўкғумбаз обидаларини, Шахрисабздаги

Оқсарой маданият ёдгорлигини Кўкун ўрдасини ўз кўзим билан бир кўрсам, дегувчилар қанча. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан Абдухалиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий ва Имом Муртуридий, Бурхониддин Марғиновий, Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуалари яратилиб, буюк аждодларимиз азиз авлибаларимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилди. Бугун ана шу мажмуалардан ҳам зиёратчилар қадами аримайди. Умуман, республикамиз ҳудудининг тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида Умумжаҳон маданият меросининг ноёб дурдоналари сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани, яшариши ва янгиланиши айёми — Наврўз, “Катта ашула” кўшиқлари, Бойсун тумани фольклори ва “Шашмақом” Башари ятнинг номодий мерослари рўйхатидан жой олгани ҳам кўп нарсани англатади.

(Давоми 3-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Кеча пойтахтимизда таълим тизими истиқболларига бағишланган навбатдаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Изланувчан ўқитувчилар — грант соҳиби

“Фонд Форум”, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур тadbirkor доирасида Педагогик грантлар дастури голиблари ҳам тақдирланди. Анжуман видеомаълумот тарзида ўтказилиб, унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири мутахассислари қатнашди.

Тadbirkorда этироф этилганидек, юртимизда ёш авлоднинг етук интеллектуал салоҳиятга эга шахс бўлиб вояга етиши йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, таълим-тарбия тизимини инновацион ғоя ва тақлифларга асосланган янги таълим технологияларини қўлланилаётганлиги ўқитиш сифатини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётди.

(Давоми 2-бетда).

Йирик лойиҳа

Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган масъулият чекланган жамият шаклидаги “Евразия карпет” қўшма корхонасида ўтган йили гилам учун ишлатиладиган янги турдаги полипропилен ип ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди.

Натижада корхонанинг экспорт ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 2,5 баробарга ошди.

— Бунинг учун қиймати 2 миллион 596 минг АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа амалга оширилиб, Франция ва Германиядан энг замонавий дастохлар олиб келиб ўрнатилди, — дейди жамият бош директори ўринбосари Шерзод Салимов. — Айни пайтда корхонамизда ўзимизнинг 2 миллион ва банкнинг 1,4 миллион евро маблағи эвазига эни 5 метрлик гилам ҳамда полипропилен ип ишлаб чиқарилган янги қувватлари ишга тушириш тараддудидамиз. Хар иқкала лойиҳа амалга ошган, корхона қуввати ва ишчилар сони 30-35 фоизга ошиши кутилмоқда.

Айтиш ўринлики, корхонанинг 100 кишилик жамоаси томонидан 2012 йилда жами 9,2 миллиард сўмлик гилам ва полипропилен ип маҳсулотлари сотилган бўлса, унинг 1 миллион 521 минг АҚШ долларилик қисми экспорт қилинди.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тadbirkorлар ташаббуси

Шағал бунёдкорлик ишларида кенг қўлланиладиган хом ашё ҳисобланади. Шу боис қурилиш саноатида ушбу маҳсулотга тобора талаб ортиб бормоқда.

Бунинг ҳисобига олган Пастдарғом туманилик бир гуруҳ тadbirkorлар ўзларининг 2 миллиард сўм маблағига 5 миллиард 670 миллион сўмлик банк кредитини қўшиб, истиқболли лойиҳани рўйга чиқаришди. Натижада янги ташкил этилган “Samish Gravity” масъулият чекланган жамиятида шағал тайёрлаш ўзлаштирилди. — Ҳозир йилгига 500 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга илгор технологияларни бошқариш учун 40 нафар мутахассисни ишга қабул қилганмиз, — дейди корхона раҳбари Б. Усмонов. — Келгусида фаолиятимиз кўламини кенгайтириб, маҳсулотлар турини кўпайтирамиз. Бу эса ана ўнлаб ёшларнинг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Этиборли жиҳати, ўтган йили туманда ҳаётга татбиқ этилган шу каби истиқболли лойиҳалар шарофати билан 33 та корхона фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 296 та иш ўрни яратилди.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодийнинг реал сектори қўллаб-қувватланмоқда

2012 йилда иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган сармояларнинг

76

фоиздан зиёдини узок муддатли кредитлар ташкил қилди.

Республикамизда молия-банк тизимини янада ислохот этиш, уларнинг барқарор ва ишончли фаолиятини таъминлаш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани банкларда капиталнинг етарлилик даражаси халқаро меъёрлардан юқори суръатларда ўсишига, ликвидлиги ошишига, бу, ўз навбатида, уч йилдан ортик муддатга бериладиган кредитлар ҳажми кўпайишига мустаҳкам замин яратди.

Мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, миллий матбуот сифати ва таъсирчанлигини ошириш, унинг жаҳон ахборот майдонидagi нуфузини юксалтириш борасида кенг қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, журналистлар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган кўплаб танловлар бу борада амалий саъй-ҳаракатларнинг муайян ва муҳим бир йўналишидир. Айниқса, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аънанавий тарзда ташкил этилаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти халқаро танловининг нуфузи йил сайин ортиб бормоқда.

«Олтин қалам»:

Маҳорат, рағбат, ижодий фаоллик

Мазкур танловнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида “Олтин қалам” Миллий мукофоти ташкилий кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Шерзод ҒУЛОМОВ билан суҳбатлашдик.

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, — дейди Ш. Ғуломов, — мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ўзига хос тadbirkor тароққиёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ажралмас қисмига айлан-

ди. Республикаимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгилангани соҳанинг жадал ривожига кучли таъсир кўрсатмоқда. Зотан, бугунги глобаллашув асри ахборот тизимларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки ахборот оқимининг хилма-хиллиги омма руҳияти ва онг-тафаккурини ўзгартируви омил сифатида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда оммавий ахбо-



(Давоми 4-бетда).

АКАДЕМИК НИНА ВЛАСОВА



Ўзбекистон илм-фани оғир жулолика учради. Ботаника соҳасидаги йиррик олима, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Нина Александровна Власова 83 ёшида вафот этди.

Н. Власова 1930 йили деҳқон оиласида туғилди. 1951 йили Урта Осиё давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кишлоқ хўжалиги (хозирги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси) институти лаборанти вазифасида иш бошлади.

Истеъодли олима ўзининг 60 йилдан ортқ илмий фаолияти давомида Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири, бош илмий ходим лавозимларида самарали меҳнат қилди ва юртимизда ботаника фани соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган захматқас олиманинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортқ фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Атоқли олима, меҳрибон устоз, камтарин инсон Нина Власованинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИХОВ, Ж. МУСАЕВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли асаридан айна шундай бебаҳо ёдгорликларимиз ҳақида яна бир гўзал таъриф келтирилган: "Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ озғайи ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-миңлаб кўлёмалар, улларда мужас-самлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбах асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилмайди."

Кенгрок қарасак, сайёҳликни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Жаҳон халқларининг буюк тарихимиз, улғ аждодларимиздан қолган бетакорр маънавий меросимиз, ўзига хос анъана ва қадриятларимиз, мафтункор табиатимиз, қолвераса, кўлга киритаётган ютук ҳамда марраларимиз билан яқиндан таништиришда айни шу соҳа энг самарали восита ҳисобланади.

Туризм иқтисодий тармоқлари фаолиятини жадаллаштириш, хорижий валютани кенг жалб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, уни халқро андозаларга тенглаштириш зарур эди. Давлатимиз раҳбарининг узоқни қўзғалган оқилона сиёсати, йўл-йўриқ ва тавсиялари асосида бу борда катор дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Бизда чет эллик сайёҳларни ўзига жалб этаётган яна бир муҳим омил болки, уни тилга олиб ўтмасликнинг иложи йўқ, — дейди "Ўзбекиризм" миллий компанияси Наманган вилоти сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси директори Хошимжон Рабиуллоев. — Бу юртимизда ҳукм сураётган теңчилик, миллатлараро тоғулик, ўзаро меҳро-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, меҳмондўст халқимизнинг самимиий муносабатидур. Ҳозирги кўнра кўнра, бирор бир юртқа меҳмон сифатида боришни ният қилган одам, аввало, нимага эътибор қаратади? Албатта, ушга жойдаги мавжуд аҳволга, қайфига қарайди. Осайиштлик бўлса,

кўнгли хотиржам тортиб, саёҳатини амалга оширади. Ўзбекистонда туризм соҳасининг йилдан-йилга кенг кўлчқ ёзиборатгани сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Юртимизда замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сон тобора кўпайиб, улларда сервис хизмати яхшиланиб бораяпти. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилаётгани, транспорт-коммуникация тизими халқаро стандартлар даражасига келтирилади. — Денгиз сатҳидан 3000 метр бандликда жойлашган Зомин ўзининг гўзал табиати, арчазорлари, тоза ҳавоси билан жуда машур, — дейди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Ҳузайра Бердибеков. — Бу ерда сайр қилган, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олган киши дарддан фориғ бўлади. Худудда тоғ чангисини омаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққийот дастури, Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузуридики қоролтлар башқармаси ва вилот қоромлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган махсус дастурга асосан, "Зомин" санаторийси худудидики узунлиги 350 метрлик тоғ чанги спорти трассаси барпо этилган. Ушбу спорт турини ўрғанишни истангаларга зарур шарт-шароитлар яратилган. Қувонарлиси, юртошларимиз билан бирга, чет элликлар ҳам тез-тез келиб, гўзал манзарадан баҳра олишга япти, мириқиб қордик чиқаришга япти.

Мазкур трассанинг ишга туширилгани келусида туманинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Яна бир жиҳат. Хорижий ва маҳаллий туристлар учун хушманзара тоғли худудларда жойлашган хонадларда 14 та меҳмонхона уйлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу ташриф буюрувчиларда Зоминнинг нафақат мафтункор табиатидан баҳра олиш, балки маҳаллий аҳолининг ўзига хос урф-одат

рига келишига хизмат кўрсатаётганидан жуда яхши сезилди. — Афросиёб" теъюрар электропоездни стюарди Дилафруз Тўрақулова. — Касб и м и з н и г масъулияти жуда катта. Айтилик, чет эллик сайёҳлар йўл-йўлақай биздан тарихимиз, муқаддас қадимжоларимиз, анъана ва қадриятларимизга оид ўзларини қизиқтирган бирор бир саволни бериб қолишари мумкин. Ана шунда улларга ҳеч иккиланмай жавоб қайтаришимиз шарт. Ходимнинг иккитта хорижий тилини билиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳамма меҳмон ҳам доимо ўзи билан таржимон олиб юрарвермайди-да. Яна бир жиҳати, агар хизмат кўрсатиш асосида ўзига юрт вақилига унинг она тилида эркин сўзлашиб, маълумот етказиб бера олсангиз, бу ҳам унда юртимизга нисбатан янада ижобий қайфиятни шакллантиради. Ватанига қайтганида

буни яқинларига, танишларига гапириб беради. Нативида бошқа сайёҳларда ҳам қизиқиб ортади.

Ўзбекистонда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат каби турлари изчил ривожланмоқда. Тоғли худудларда чанги спорти учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда ва натижада йилнинг тўрт фаслида ҳам туристларни жалб этиш имкониятлари ошмоқда. Масалан, Зомин гўшасини олайлик.

лари, қадриятлари, таомлари, шарқона меъморчилик услубида қурилган уй-жойлар билан яқиндан танишиш имкониятини ҳам беради.

Таъкидлаш жоиз, юртимизнинг ҳар бир гўшасида туризмни ривожлантириш истиқболли борлоқ. Айниқса, қадимий ва навқирон Бухоро ҳақида сўз кетганда, бу бетакорр шаҳар истиқбол йилларида жаҳон аҳолини янада қўпроқ мафтун этмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки бунёдкорлик

ишлари худуд ҳуснига ҳусн қўшди. Инфратузилма ривожланди. Хўнармандчилик равнақ топди. Тарихий ёдгорликлар асраб-авайланмоқда. Зиёратгоҳлар ободонаштирилди. Буларнинг бари кўна шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини оширди. — Сайёҳларни қабул қилиш борасидаги имкониятларимиз йил сайин кенгайиб бора япти, — дейди "Бухоро турист" акциядорлик жамияти ижроси директори А. Хусайнов. — Утган йилнинг ўзида "Чорминор", "Нодир Девонбеги", "Порсо Файз", "Дарвозаи Мохи Хосса" каби қатор ҳусусий меҳмонхоналар фаолият қороситиши бошлади. Нативида меҳмонхоналар сонини қариб етмишга етди. Утган 2012 йилда Бухорога 120 миңдан зиёд сайёҳ ташриф буюрган бўлса, улларнинг деярли юз миң нафари хорижлик меҳмонлариди.

Қадимий шаҳарнинг Арқ қалъаси, Сомониёлар мақбараси, Пойи Калон мажмуи, сўлим Лабивоуз атрофидаги мадрасаю қарвонсаройи ва тоқилар туристлар билан ҳамisha гавжум.

— Бухорода биринчи марта бўлиши, — дейди испаниялик сайёҳ Соня Эспозита. — Бу ердиги тарихий ёдгорликлар, ноёб обидаларнинг ўзига ҳослиги мени хайратга солди. Айниқса, Президент Иброим Каримов ташаббуси билан барпо этилган "Қўна ва боқий Бухоро" маданий марказидан катта таассурот олдим. Халқимизнинг меҳмондўстлигини айтмайси-ми? Шўнчалар иштифот қорса-

тишдики, ҳавасинг келади. Серкўш Ўзбекистон, унинг самимиий инсонлари бир умр ёдимида қолади. Таассуротларимни, албатта, яқинларим-га гапириб бераман...

Юртимизда сайёҳликнинг жадал ривожланиши йўлида "Фонд Форум"нинг алоҳида хизмати болрилиғини айтиш жоиз. Мазкур жамағарма ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги, "Аспрал садоси" маданият фестивали ва бошқа йирик тадбирлар хорижликларда катта қизиқиб уйғотмоқда. Уларда иштирок этиш мақсидида мамлакатимизга ҳар йили дунёнинг барча нуқталаридан, жумладан, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Буюк Британия, Германия, Хитой, Япония, Сингапур каби давлатлардан миңлаб меҳмонлар ташриф буюраётгани фикримиз тасдиқидир.

Маълумки, 2011 йилнинг октябр ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Жаңубий Кореяда бўлиб ўтган 19-сессиясида Европа минтақавий гуруҳи томонидан Ўзбекистон 2011 — 2015 йиллар давомида мазкур ташкилотнинг Ижроси кенгаши аъзолигига сайланди. Бу мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг халқро мижҳасига яна бир эътироф бўлди. Умуман айтганда, Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил йўлга қўйилган. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ипак йўлидаги туризм" Тошкент халқро сайёҳлик фаъриаксисига бунга бир мисолдир. Бундай нуфузли тадбирни ташкил этишдан қўзғалган асосий мақсад ҳам жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидики улкан салоҳиятга эга мамлакат эканини халқро мижҳасига кенг намоийш қилиш имконини бормоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

■ Яхши хабар

ЖАҲОН 24 соат ичида

Яна қор бўронлари

АҚШнинг шимол-шарқий худудларида бошланган қор бўронлари энди мамлакатнинг марказий қисмига кириб келди.

Айни пайтда 20 та штатда қарқатон киш ҳукмронлик қилаяпти. Оқибатда қариб 60 миллион нафар аҳоли вакили турли қийинчиликларни бошидан кечираётган бўлиши мумкин. Миссуридаги аэропорт фаолияти вақтинча тўхтатилди. Канзас, Арканзас, Небраска ва Айова штатларида эса таълим муассасалари ёпиб қўйилган.

Ёрдам кўрсатилаётган бўлса-да...

Европадаги "Дехия" банкига сўнги тўрт йилдан бери иқтисодий ёрдам кўрсатиб келинаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз унинг фаолиятида ижобий натижалар кўзга ташланма япти, дейилади "Евроньюс" телеканални тарқатган хабарда.

Жумладан, молия муассасаси 2011 йили 11,6 миллиард евро миқдоридики зарар билан янқулганди. Утган йили бу кўрсаткич 2,9 миллиард еврога ташкил этди. Фаолиятига қузғатилган бундай салбий ҳолат унинг

Йил оғир келди

Утган йил яқунларига қўра, Буюк Британиянинг ҳарбий техникалар ишлаб чиқарувчи "BAE Systems" концерни махсулотлари савдоси етти фоиизга тушиб кетган. Бунинг натижасида қорхона 20 миллиард евро кам маблаг ишлаган.

2012 йил "BAE Systems" учун чиндан ҳам оғир келди. Хусусан, унинг Европадаги "EADS" холдинги билан бирлашиш режаси барбод бўлди. Асосий харидорлари ҳарбий мақсадлар учун сарфланадиган маблағларни қискартирган. Саудия Арабистонини билан самолётлар етказиб бериш юзасидан тузилган битим эса нарх масаласида аниқ бир тўхтамга келиш қийин кечгани боис амалга ошмай қолди.

Хориж маъбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«SAGDIANA REAL SERVIS» МҶК

савдолар залида 2013 йил 29 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидики ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига Самарқанд вилоти хўжалик сундининг 2012 йил 16 июлдаги 14-1213/8072-сонли ижро варақаси ва ушбу сундининг 2013 йил 24 январдаги 14-213/8072-сонли ажримига асосан, Суд ижросчилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган, «Шухрат» хусусий қорхонасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Набиева кўчасида жойлашган автоқорхона бинолари ва ишлаб чиқариш шехи биносини қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 656 592 728 сўм. Ушбу мулк билан тегишли суд ижросчилари бўлими

Манзиллимиз: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй. Тел. фои: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршида.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МҶК

очик аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 26 март куни соат 10.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар Сергели СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик сундининг 2012 йил 27 апрелдаги 10-1208/4642-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Nice Magic» МҶКга тегишли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Шевролет Эпика» русумли, давлат рақами О1 313 РВ, марварид (жемчужний) рангли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 41 845 000 сўм. Юқоридаги мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига қикиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси 2013 йил 26 март кунидики савдода сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 10 апрель куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача кўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш

Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (8-371) 236-74-67.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

ТРУБА ЗАВОДИ ҚК «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги махсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) СЎВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚЎВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб. ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚЎВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб. Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚЎВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100. Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚЎВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб. ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача. МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МҶК

Қорақалпоғистон Республикаси филиали очик аукцион савдосига таклиф этади.

* 2013 йил 26 март куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидики ўтказиладиган очик аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ сундининг 2012 йил 24 августдаги 966-сонли ижро варақасига асосан, Тахтакўпир тумани СИБ томонидан давлат фойдасига хатланган, ишлаб чиқарилган йили номатум, «Урал» русумли, давлат рақамисиз бўлган мотоцикл қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 450 000 сўм. Мазкур мулк ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 11 апрель куни бўлиб ўтади.

* 2013 йил 11 март куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидики ўтказиладиган очик аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ сундининг 2012 йил 23 августдаги 831-сонли ижро варақасига асосан, Тахтакўпир тумани СИБ томонидан давлат фойдасига хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 95 В 473 ВА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 26 932 500 сўм. Мазкур мулк ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 27

Қўшимча маълумот учун манзил: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона. Телефон: (8-361) 222-11-73.



Биз ва жаҳон

Яқинда Словенияда "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалининг тақдироти бўлиб ўтди. Любляна шаҳрида ташкил этилган мазкур тадбирда катнашчилар халқаро фестивалнинг асосий ташкилотчиси — "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

«Асрлар садоси» Словенияда тақдим этилди

Ҳар йили юртимизнинг турли вилоятларида ўтказилаётган "Асрлар садоси" фестивали Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси ва сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этиш учун имконият яратётгани тақдирот маросимида алоҳида таъкидланди. Шунингдек, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан амалга оширилаётган бошқа лойиҳалар, жумладан, спорт, соғлиқни сақлаш ва таълим сингари соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб берилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам словениялик меҳмонлар эътиборига тақдим этилди.

Тақдирот катнашчилари орасида Форум жамғармаси ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги, "Олтин гепард" халқаро кино-анжумани сингари йирик ва нуфузли халқаро маданий тадбирлар, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "Келажак-тур" ёшлар туризми бюроси сингари муассасаларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи рисола ва журналлар тарқатилди.

Бўлиб ўтган тақдиротдан орттирган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, "Interconti" компаниясининг бош директори Радко Родовай ўзи раҳбарлик қилаётган компания Словенияда биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига сайёҳлар сафарларини ташкил этишни бошлаганини маълум қилди.

— Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини модернизация...

Бир кунлик муолажа

Анджон вилояти кўз касалликлари шифохонасида лизинг йўли билан АКШ, Германия, Жанубий Корея давлатларидан келтирилган 7 турдаги замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар ёрдамида мураккаб офтальмология жарроҳлигида чоксиз даволаш йўлга қўйилди.

Саломатлик

Кўз касалликлари жарроҳлигида "чоксиз" деган тушунча шаклланди, — дейди бош шифокор Шоҳруҳбек Қодиров. — Тиббиётдаги янгиликларни амалиётга жорий этишда мазкур ускуналарнинг аҳамияти катта. Чунинчи, ҳар бир жарроҳлик амалиёти жуда ҳисса муддатда амалга оширилиши баробарида, бемор атиги бир кунгина шифохонада бўлади, ҳолос.

Илғор технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадида тиббиёт муассасасининг етук мутахассислари хоризнинг нуфузли клиникаларида ма- лака ошириб кайтидилар.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яратиб берилаётган ҳуқуқий қафолатлар ва шарт-шароитлар самараси туфайли ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари сонини 1300 дан ошди. Мавжуд босма нашрларнинг 60 фоизи, телеканалларнинг 53 фоизга яқини, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳиссасига тўғри келаётгани, мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартли бўлган нодавлат ОАВни фаоллаштиришга катта эътибор берилаётганини тасдиқлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган, бу борадаги сайёҳаракатлар янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва бошқа тегишли тузилмаларда соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ҳам миллий матбуотимиз ривожига бўлган ахборот ва гамаўриликнинг амалдаги яна бир ифодаси сифатида ўз самарасини бермоқда. Бу каби кенг имкониятлар матбуотимиз олдида жаҳон ахборот майдонига мамлакатимиз манфаатларини тўлақонли ҳимоялаш, айниқса, дунёда кунайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган ёш авлодни "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан асраш, уларнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини кенгайтириш, шу билан бирга, юртдошларимиз оғинда демократик қадриятлар, граждандарлик позициясини шакллантириш каби мақсад-вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишни тақозо этади. Президентимизнинг соҳа ривожига қўрсатаётган улкан эътибори туфайли таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти халқаро танловининг асосий мақсади ҳам ана шу, яъни ижод аҳлини бу йилда қўллаб-қувватлаш ва иқтидор соҳибларини рағбатлантиришдан иборат.

— Танлов бу йил саккизчи мартаба ўтказилаётган. Утган йилларда танлов мамлакатимиз медиа-муҳитида қандай аҳамият касб этди? — Бу саволларга жавоб бериш учун рақамларга мурожаат қиламиз. Агар 2006 йили ўтказилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро тан-

қалам ва адолат манфаатлари йўлида ижодий фаолиятдир. Шу ўринда танлов турли халқаро ташкилотлар эътиборини ҳам тортаётганини мамнуният билан айтмоқчиман. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек, Словениянинг "Регионал диалог" халқаро ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан танловларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Бугунги кунгача 40 на-

налистлари ижодий уюшмасига ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материаллар, таҳлилий ва танқидий чиқишлари алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб бориш тақдир этилган. Хабарингиз бор, табриқдан сўнг Журналистлар ижодий уюшмасида тажрибали журналист ва экспертлардан иборат мониторинг гуруҳи ташкил этилди ва ҳар чорак якуни бўйича унинг натижалари "Хурият" мустақил газетасида "Журналист сўзи" — жамоатчилик эътиборида" сарлавҳасида бериб боришмоқда.

— Танловга қўрилаётган тайёргарлик ҳақида маълумот берсангиз.

— Жорий йилнинг 22 январидан танлов ташкилий қўмитасининг дастлабки йиғилиши ўтказилиб, унда танловни ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар муҳокама этилди. Ташкилий қўмитанинг ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Танлов шартлари ишлаб чиқилиб, матбуотда эълон қилинди. Телевидениеда танлов ҳақидаги видео-ролик эфирга узатишмоқда. Танловнинг ташкилий жиҳатлари янада самарали бўлиши учун ҳамкорларимиз — Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Uzreport" ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси яқиндан қўмақлашмоқда.

"Олтин қалам" танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонднинг молиявий қўмағида амалга оширилади. Танлов голибларига мукофотлар, анъанага кўра, 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини "Туркистон" саройида бўлиб ўтаётган тантанали маросимда топширилади.

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

Билиб қўйган яхши



Лавлаги инсон организми учун фойдалиги бўйича бошқа сабзавотлардан алоҳида ажралиб туради.

Хусусан, унинг таркибидоги С, В1, В2 ва РР моддалари ошқозон ҳамда ўн икки бармоқли ичак ярасида, жигар, буйрак хаста-ликларига наф береди. Қолаверса, у асаб тизими ва юрак-қон томирлари сини мустаҳкамлаб, организмдаги қариш жараёнини секинлаштирилади.

Абу Али ибн Синонинг қайд этишича, қайнатилган лавлага барги қуйган жойининг, сархил барги турли яраларнинг тузали-шини тезлаштириди. Таркибидоги бетаин моддаси эса организмда ёлми хужайраларни парчалаб, семизлиكنинг олдини олади.



Фойдали озуқаларга бой сабзавотлардан яна бири, бу — редискадир.

Чунки қанд, оксил, клетчатка, эфир moyи сингари моддалар мавжуд мазкур сабзавот айна "илиг-узилди" палласида истеъмоқ қилинса, нур устига аъло нур. Масалан, 100 грамм редиска таркибида 25 миллиграмм С белгили дармондори учради. Инсон организми бир кечакундузда шунча С витаминини талаб этганини инобатга олсан, унинг қанчалик фойдали эканлигини англаш мушкул эмас.

Республикамизнинг барча суғориладиган ерларида учрайдиган итузумни шундай ўсимликлар сирисига киритиш мумкин.

Яъни унинг таркибида фойдали кислоталар қаторида сапонин, аччиқ гликозид, дулькаман сингари захарли моддалар ҳам мавжуд. Эътиборлиси, меваси пишиши олдида ундаги захарли моддалар йўқолиб кетади. Бироқ пояси ва барги бундан мустасно. Итузум қадимдан бир қатор хасталикларни даволашда қўлланилади. Хусусан, буюк табиб Абу Али ибн Сино "...Итузумнинг бир тури жуда майдалаб, янчилган ҳолда боғланса, бош оғриғини тузатади, кулоқ остидоги ва мия пардаларидаги шишларни тарқатади," деб ёзиб қолдирган.

Халқ табибатида итузумнинг барги, меваси ва гулидан тайёрланган да- лама болалардаги гижжани йўқотишда, шунингдек, бод хасталигини да- волашда фойда берувчи малҳам сифатида қўлланилади.

Мирзашарипов, дормунос.

«Олтин қалам»: Маҳорат, рағбат, ижодий фаоллик

ловда 136 нафар журналист 1670 та ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2012 йили ташкил этилган VII Миллий мукофот учун танловда 470 нафар журналист 8300 дан ортқ ижод маҳсули билан иштирок этди. Умуман, шу вақтгача танловда 3000 га яқин оммавий ахборот воситалари ходимларининг 44000 дан зиёд материаллари кўриб чиқиб баҳоланди. Бу материалларнинг аксарияти мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги янгиликларни ҳаётнинг ўзига қамраб олган. Ижодий ишларда жойлардан олиб берилаётган ишларнинг сустанлаштириётган нуқсон ва муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган сайёҳаракатлар чуқур ва апрофлина тақ- бил этилганини ҳам ҳисобга олсан, бу рақамлар салмоғи ва моҳияти янада кенроқ намоён бўлади. Танловга топширилаётган материалларнинг сонига эмас, балки сифати ҳам йил сайин ортиб бораётгани, уларда Ватан ва жа- мият манфаатлари тобора кенроқ акс этаётгани кишини қувонтиради.

фар ижодкор "Олтин қалам" танлови доирасида халқаро ташкилотлар мукофотлари билан тақдирланди. Шуниси қувонарлики, танловда қатнашшиш ис- тагани билдирган маҳалли ва халқаро ташкилотлар сонини тобора кўпайиб бормоқда.

— "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталсангиз.

— Бу йилги танлов иштирокчилари битта бош миллий мукофот ва теле- видение, радио, матбуот, интернет-жур- налистика йўналишлари бўйича учта- дан мукофот, жами 13 та мукофот учун ўзаро мусобақалашади. Бундан қўланган мақсад танлов нуфузини янада ошириш ва соғлом ижодий ра- қобатни кучайтириш, пировардида энг кучлиларини аниқлашдир.

Амбта, барчани танловга топширил- ган материалларни баҳолаш мезонлари қизиктириши, табиий. Тақдим этилган ижодий ишлар давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимла- ри кўни муносабати билан йўллаган бай- рам табриқига журналистлар олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Табриқда матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътибо- рини қаратиш учун самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш лозимлиги таъкидланиб, Ўзбекистон Жур-

Ижтимоий реклама

Advertisement for '2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!' featuring images of graduates and a construction worker.

Advertisement for 'KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ, offering real estate services in Bukhara region.

Advertisement for 'Sara uruz - yuqori hosil zarovi' (Sweet corn) by Fito Semillas, highlighting high yield and quality.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' featuring a list of authors and their works.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ' with contact information and a list of articles.

Advertisement for 'Манзилимиз: 100000' (Our address) providing contact details for various services.